O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 14 AVGUST ◆ SESHANBA ◆ № 94 (26.796)

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИНИ ЯРАТИБ

Анвар АВАЗХЎЖАЕВ, кинооператор:



Табаррук айём яқинлашмоқда. Мустақиллик нафаси уфурганига ўн йил бўлганлигини нишонлашга ошиқаяпмиз. Зеро, ана шу даврда мамлакатимиз бошида не савдолар кечганини ҳеч бир инсон бирваракайига айтиб бера олмаслиги табиий. Унутилмас бетакрор лаҳзаларни муҳрлаш эса, кино усталарининг ишидир. Тараққиёт сари собит қадам ташлаётган давлатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли экранга кўчирилиб, муҳрланади. Биз ана шундай лаҳзаларни илғай биладиган, уларни кино лентасига кўчириб, яна қайтадан жонлантиришни ўз зиммамизга олганмиз. «Ўзбектелефильм» студиясида оз эмас, кўп эмас 30 йилдан бери халқимиз бой маданияти, тарихий обидалари-ю қадимий урф-одатлари, гўзал шаҳарлари-ю осори-атиқалари ҳақида, қолаверса, элим-юртим деб яшаётган инсонлар тўғрисида фильмлар яратишга тўғри келди.

Сирасини айтсам кейинги 10 йиллик менинг ижодимда ўзига хос бурилиш даври бўлди, десам муболаға бўлмас. Боиси, истиқлол йилларида буюк ўзгаришлар юз бердики гоҳида уларни ҳужжатлаштиришнинг ҳам имкони бўлмай қоларди. Айтайлик, юртимизда мустақиллик эълон қилингандан буён сиёсий ҳаётда рўй берган воқеалар — президент сайлови, герб ва байроқ, Конституциямизнинг қабул қилиниши, ўнлаб хорижий давлат раҳбарларининг ташриф буюриши, чет эл ваколатхоналарининг очилиши, Юртбошимизнинг хорижлик ишбилармон, сармоядорлар билан учрашувлари каби унутилмас ва бетакрор воқеаларни киноленталарга муҳрлашга тўғри келди.

«Ўзбектелефильм» студиясида яратилган «Ўзбекистон дурдоналари» рукни остидаги Тошкент, Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон каби қадимий шаҳарлар ҳақидаги фильмлар ўйлайманки, томошабин учун шу кунгача ҳали намойиш этилмаган тасвирларга бойлиги билан ажралиб туради. Мальдив ороллари, Лондон, Сидней, Нагано, Нью-Йорк, Париж, Рим, Амстердам, Бирмингем, Токио, Осака каби ўнлаб хорижий шаҳарлар ҳақида яратган фильмларим ҳам телевидениемиз орқали намойиш этилди. Тўғриси, мавзуни ҳам, тасвирларни ҳам, воқеликни ҳам турфасини маъқул кўраман. Шунинг учунми спортга оид фильмларни суратга олиш менга завқ бағишлайди. Атланта ва Сидней, қолаверса Наганода ўтказилган олимпиада ўйинларида ўзбек ўғил-қизларининг иштироки ҳақида яратган фильмларимни ўйлайманки, мухлису мутахассислар муносиб баҳолашади. Бангкокда бўлиб ўтган Осиё ўйинларининг энг қизиқарли лаҳзалари ҳам киноленталарга муҳрланиб, ҳужжат тарзида солнома қилиб қўйилиши ҳам маънавий бойлигимиз сирасига кирар. Ёки «Ўзбек спорти жаҳон аренасида», «Олимпиадада Ўзбекистон одимлари», «Олимпни забт этган баҳодир», «Озод юртнинг ёруғ умиди» каби қатор ҳужжатли фильмлар ўзбек спортчиларининг халқаро майдонларда ажойиб ғалабага эришиб, мовий-яшил байроғимизни кўтариб, мадҳиямизни таратиб Ватанимиз довруғини достон қилишаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

Маълумки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жамоаси 10 йил мобайнида жаҳоннинг турли бурчакларига парвоз қилишни йўлга қўйиб, ижобий ишларни рўёбга чиқармоқда. Янги ташкил этилаётган халқаро рейслар ҳақидаги телефильмларда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинган. Бирдан-бир ниятим кинокамера билан келажаги буюк давлат қурилаётган юртимизда юз бераётган воқеликни экранга кўчириш. Ҳозирча яратган фильмларим 300 дан ошибди. Сўзсиз улар орасида ЮНЕСКО мукофоти ва Фахрий ёрлиғига лойиқ кўрилган «Бойсун» фильми ҳам борлиги билан фахрланаман.

МУСТАҚИЛЛИК ИМТИЁЗЛАРИ

КУРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда беш кун давом этган ўзига хос кураш байрами ниҳоясига етди. Шу кунлар мобайнида «Ўзкўргазмасавдо» кошонаси мухлислар билан гавжум бўлди. Бу ерда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ғолиблик илинжида майдонга тушган ёшлар ўртасида қарийб 700 та беллашув бўлиб ўтди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ёшлар ўз маҳоратларини кўрсатиб, яқин келажакда олимпиада ўйинларига бориши учун асосий талабгорлардан бўлишларини намойиш этдилар. Ўзбекистонда камол топган, республикада хизмат кўрсатган спорт устаси ва мураббий Арсен Фадзаев мусобақа ҳақида илиқ гаплар айтди:

— Аввало шуни эътироф этиш керакки, бундай нуфузли мусобақа МДҲда илк марта Тошкентда уюштирилди. Арманистондан мусобақага келган ёш полвонларнинг кайфиятлари ва таассуротларидан шу нарсани англадимки, Ўзбекистон пойтахтида ўтказиладиган ҳар қандай нуфузли мусобақа ҳамиша юқори савияда ташкил этилиши билан ажралиб туради. Муҳими, юзлаб ёшлар Тошкентда кўрганбилганларини, шарқона меҳмонновозликни, бу юртнинг саховатли табиатини ҳамиша эслаб юрадилар.

Мусобақа дастурига кўра, баҳсларни юнон-рум курашчилари бошлашди ва совриндорлари ҳам барвақт аниқланди. Маълумки, ҳал қилувчи беллашувга йўлланма олиш учун камида 5 та учрашувда ғолиб келишга тўғри келади. Бу борада Россия курашчилари ибрат кўрсатишди. Улардан беш нафари финалга чиқди. Эрон ва арман полвонларидан икки нафари мана шундай имкониятга эга бўлган бўлса, Корея Республикаси, Қозоғистон, Руминия, Туркия, Озарбойжон, Украина, Польша, Грузия ва Болгариядан биттадан вакил совринли ўринни учун баҳс юритди. Зеро, ҳолва деган билан оғиз чучимас. Гап шундаки, Россия курашчилари олтин медаль учун курашда кетма-кет имкониятларни бой беришди. Фақат Андрей Деманкин билан Николай Кураковлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Арманистонликлар ҳам бўш келишмади. Улар ўз ҳисобига биттадан олтин ва кумуш медаллар ёзишди. Эрон курашчиларидан икки нафари биринчи ўринни эгаллашди. Қозоғистон, Туркия, Озарбойжон, Грузия жамоалари ҳам биттадан олтин медалли бўлишди.

Мухлислар ўзбек курашчиларидан Жаҳонгир Турдиевга катта умид боғлашганди. 76 килограмм вазнли бу полвон учинчи ўрин учун курашишга мажбур бўлди. У польшалик курашчи билан майдонга тушиб, қўшимча вақтда ғалабага эришди ва бронза нишони билан қаноатланди.

Кеча оқшомда эса эркин кураш бўйича якунловчи беллашувлар бўлди. ФИЛА вице-президенти Михай Биронинг президентимиз номига йўллаган миннатдорлик мактуби ўқиб эшиттирилганда олқишлар янгради. Мусобақа финалига эса Россия ва Эрондан 4, Грузия ва Ўзбекистондан 3 ҳамда Ҳиндистондан 2 нафар курашчи етиб келган эди. Шунингдек, бундай омад Қирғизистон ва Корея Республикаси полвонларига ҳам насиб этди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги кун мусобақасининг энг гўзал беллашуви ҳамюртимиз иштирокида бўлди. 54 кг. вазнли Дилшод Мансуров грузиялик Б. Биссарионни 11:0 ҳисобида доғда қолдирди. Дилшод рақибини оёғидан кўтариб, 3 марта бураш усулини қўллаганда қарсаклар янгради. Шунингдек, Музаффар Абдурахмонов билан Магамед Ибрагимовларга кумуш медаль насиб этди. Мусобақада Россия, Грузия ҳамда Ҳиндистон полвонлари 2 тадан олтин медалли бўлишди. Мусобақанинг якунловчи қисми мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Шундан сўнг мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Ўзбекистон мадҳияси садолари остида мусобақа байроғи туширилди.

Қизғин ва бетакрор воқеаларга бой беллашувлар мобайнида ўзаро дўстлашган ёшлар Тошкент билан хайрлашдилар.

■ Ҳайдар НОСИРОВ







■ Абдулғани ЖУМА ва ИНДИРА олган суратлар

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ЖАМОЛИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб жойларда «Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирларни ўтказмоқда. Яқинда шундай тарғиботчилар гуруҳи Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бўлиб қайтди.

Улар истиқлол ва баркамол авлод тарбияси, миллий адабиёт ва ижодиёт, мустақиллик, давлат ва дин муносабатларининг туб моҳияти, миллий мафкуранинг янгича дунёқарашни шакллантиришдаги назарий, услубий аҳамиятига доир маърузалар ўқидилар.

Куни кеча воизларнинг навбатдаги гуруҳлари Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетдилар.

■ (Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа хисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	212,08	10 Люксембург франки	91,06
1 Австрия шиллинги	26,69	1 Малайзия рингити	108,17
1 Англия фунт стерлинги	585,07	1 Германия маркаси	187,81
10 Бельгия франки	91,06	1 Польша злотийси	98,09
1 Голландия гульдени	116,68	1 СДР	521,86
10 Греция драхмаси	10,78	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	49,37	1 Финляндия маркаси	61,78
1 БАА дирхами	111,91	1 Франция франки	56,00
1 АҚШ доллари	411,01	1 Швейцария франки	242,99
1 Миср фунти	97,86	1 ЕВРО	367,32
10 Испания песети	22,08	10 Жанубий Корея вони	3,20
*100 Италия лираси	18,97	10 Япония иенаси	33,66
1 Канада доллари	267,15	1 Россия рубли	14,01
1 Хитой юани	49,66	1 Украина гривнаси	76,82

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

БУХОРОДА АНЪАНАВИЙ КИНОФЕСТИВАЛЬ

Мустақилликнинг ўн йиллиги арафаси — 17-21 август кунлари қадимий Бухорода республика IV миллий фильмлар фестивали бўлиб ўтади. Юздан зиёд таниқли кино ва театр артистлари, режиссёр, оператор, рассомлар иштирок этиши кутилаётган бу катта санъат байрами шариф шаҳарда тўртинчи бор ўтказилиши бухороликларни янада қувонтирмоқда. Ҳозир асосий тантаналар ўтадиган амфитеатр, шаҳардаги кинозалларда, туманлар, хўжаликларда қизғин тайёргарлик давом этмоқда.

Фестиваль кунлари бухороликлар ва вилоят меҳнаткашлари «Ойижон», «Чаёнгул», «Паримомо», «Мешполвон», «Бахт қадри» каби бадиий, 20 га яқин ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмларни томоша қиладилар. 20 дан зиёд номинация бўйича эса фестиваль ғолиблари аниқланади. Кино юлдузлари билан учрашувлар, концерт дастурлари ташкил этилади.

■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

МАФКУРА МАЙДОНЛАРИДА

АЛАМЗАДАЛИК

ЁКИ «ОЛА ТОВУҚ КУЛ СОЧАР...» деган мақолни эслатувчи воқеа хусусида

Сўнгги пайтларда айрим хорижий радиолар ўзбек матбуотига эътиборни кучайтирди. Аввалига улар матбуотимиздаги ўзгаришларга хайрихоҳдек қарашди: баъзи газеталар таҳририятлари ва журналистларни мақташди, мақолаларини таъкидлашди. Шу йўл билан тингловчилар доирасини кенгайтириш ва уларни ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилдилар. Аммо бу ҳол узоққа бормади. Уларнинг асл ниятлари кўриниб қолди. Хусусан, «Озодлик» радиосининг «Тўртинчи ҳокимиятга бир назар» деган эшиттиришларини олиб бораётган Гулчеҳра Нуриллаева «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», «Қишлоқ ҳаёти», «Туркистон», «Адолат», «Фидокор» ва «Маҳалла» каби газеталарни ўқиб, ўзига керакли ахборотларни ололмаётганидан тинимсиз зорланиб-озорланиб келади.

Хўш, «Озодлик» радиосининг ҳамкори Гулчеҳра Нуриллаевага қандай ахборотлар зарур, унга нима ёқади?

Бу масалага ойдинлик киритиш учун узоқ бош қотириб ўтириш шарт эмас. Дастлабки эшиттиришларидан бирида у дилидаги гапни рўй-рост айтиб: «Агар сиз ёзаётган хабар ёки мақолангизда, масалан, **ит одамни қопди,** қабилидаги гапни айтсангиз, унинг ўқувчига ҳеч қизиғи бўлмайди. Сизлар агар **одам итни қопди,** дегудек бўлсангиз, бу хабар энди ҳаммани сергак торттириб қўяди. Одамлар дарҳол мақолангизни ўқий бошлайди», деган эди. Чет эл радиосининг хизматидаги хонимни нима қизиқтиришини энди билгандирсиз? Лекин одам итни қопмаса-чи? Унда нима қилиш керак?

Шу йил 25 июль куни «Озодлик» радиоси орқали Гулчеҳра Нуриллаева ўзбек матбуотининг халқ билан бевосита алоқаси қандай, деган масалани ўзича тадқиқ этди. Бу мавзуни муҳокама этишда бирон-бир газета, радио, телевидение ходими ёки бирор журналистни эмас, балки кўчада юрган, бу соҳага умуман алоқаси бўлмаган Ё. Турлибеков деган кимсани танлади. Аввалига уни «республика халқ таълими фидойиси» деб роса мақтади. Шунда ҳам қилаётган «ўйини» тингловчиларда шубҳа уйғотишини сезгач, «жамиятда шундай тоифа одамлар борки, улар ким бўлишидан, касбларидан қатъи назар жамиятда кечаётган жараёнларга фаол муносабатда бўладилар, гўё ер уларнинг юраги атрофида айланади», деб гапни олиб қочди.

Нима ҳам дердик? Бозорда ким ўз молини ёмон дейди. Айниқса, муносиб суҳбатдош топилмагач.

Ё. Турлибеков ҳам гапни узоқдан бошлади. Гўё у «Темир йўлнинг темир қоидалари» сарлавҳали мақоласини газеталарда бостириб чиқара олмаяпти. Мақоласи «Халқ сўзи» газетаси таҳририятида бир ярим йил, ундан сўнг «Ўзбекистон овози»да ярим йил ётганидан ҳасрат қилади. Шу билан республикамиз газеталарининг обрўсига соя ташламоқчи бўлади.

Ё. Турлибековнинг мақоласи нега чоп этилмаган? Агар мақола савияси талаб даражасида бўлса, ҳар қандай газета уни кўзга суртиб чоп этади. Қолаверса, Ўзбекистонда иккита эмас, бир неча юзлаб газеталар таҳририятлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳам журналистларга таҳририят эшикларини ланг очиб қўйибди.

Иккинчидан, «Озодлик» радиосининг ҳамкори катта масалага айлантириб, хорижий жамоатчилик эътиборини қаратмоқчи бўлган ўша қоралама аслида мавҳум ёзилган, принципиал аҳамиятга эга бўлмаган жўн бир нарсадир. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун таҳририят архивида сақланаётган мақола нусхасидан бир кўчирма келтирамиз: **«Мамлакатимизнинг турли йўналишларидан Тошкент томон кунига 2000 автобус қатнаса, қарши йўналишга яна шунча автобус жўнайди. Демак, 4000 йўловчи уловнинг ҳар бири ўртача 300 литр ёнилғи ва 10 литрдан мой сарфласа, ҳар куни 1200 тонна ёнилғи ва 40 тонна мой сарфлайди. Йилига олганда 670.000 тонна ёнилғи ва 70000 тонна мой сарф бўлмоқда».**

Энди айтинг-чи, Ё. Турлибеков нима демоқчи ўзи? Ахир шунча автобус бир сафга тизилса, узунлиги 100-150 километрлик автокарвон ҳосил бўлади. Улар бирданига пойтахтга қараб ҳаракатланса, ҳар 40 лаҳзада бир автобус Тошкентга кириб келади. Буни тасаввур этиб бўладими? Ёки 670 минг тонна ёнилғи салмоғини-чи? Бундай бетайин рақамлар, тутуруқсиз гаплар билан газетхон вақтини олиб, уни чалғитишга нима зарурат бор?

Афтидан, «Озодлик» ҳамкори Г. Нуриллаева буни англаган, фаҳмлаган бўлса керак. Шу сабабли гапни нуқул айлантиради. Гўё Ё.Турлибеков мақоласи газетада чиқмаса-да, икки ой ўтмай темир йўлнинг ҳамма ерида қайнатилган сув, деган ёзувлар пайдо бўлиб, вокзалга раковиналар қўйилган эмиш. Ана шунга қараб муаллиф мақола вақт ўтиши билан қайсидир соҳага жавобгар шахсга маълум бўлган, деб ўйлаган ва камчиликлар бартараф этилган, деб даъво қилади.

Қадим замонда мунофиқлиги учун бир қози амалидан ажраб қолибди. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деган гап бор. Муттаҳам қози нима иш қиларини билмай, ҳовуз лабига кўрпача солиб ўтирибди-да, сув олаётганда аёлларга: «Челакни ботир!», кўтараётганда эса: «Челакни кўтар!» — деб гўё ҳукм қилиб, хуморидан чиққан. «Озодлик» радиосининг даъвоси шуни ёдга солади.

Эшиттириш охирида «Озодлик» ҳамкори «тўртинчи ҳокимият»га Ё.Турлибеков нигоҳи билан боқиб, ўзича афсусланади. Начора, биз ҳам сизга афсусланамиз: ўзингизга ўхшаган аламзада кишилардан ҳамкор топганингиз муборак бўлсин!

Чунки бунақалар билан мағзавани янада кўпиртириш, кўпроқ жойга сачратиш мумкин. Ё. Турлибеков таҳририятга келаётган хатлар «газетада ишлайдиган бир опахон томонидан йиртиб ташланаётганини» кўргани ҳақида имонини ютиб бўҳтон қилади. Ҳолбуки, таҳририятларимизга ҳар йили газетхонлардан минглаб хатлар келади. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларидан жой олмоқда. Ариза ва шикоятлар чора кўришлик учун тегишли идораларга юборилмоқда. Уларнинг жавоблари ҳам газеталаримизда мунтазам чоп этилмоқда. Фуқароларнинг айрим хатхабарлари асосида эса журналист текширувлари ўтказилиб, ўткир танқидий чиқишлар қилинаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Ҳатто, Ё. Турлибековнинг ўша қўлёзмаси ҳам таҳририятда ҳамон сақланаётганига нима дейсиз? «Озодлик» радиосининг бўҳтонини рад этувчи далил эмасми бу?!

Фуқароларнинг хатларига муносабат масаласи шунчалик қизиқтирар экан, чет эл радиосининг ҳамкори Г. Нуриллаева таҳририятнинг ўзига мурожаат этиши, ундан аниқ-тиниқ жавоблар олиши мумкин эдику?! Бизнинг билишимизча, хоним таҳририятдан унча узоқ бўлмаган ҳудудда истиқомат қилади. Қолаверса, шўро замонида бу даргоҳга тез-тез қадам ранжида қилган. **«Ленин комсомоли мукофоти лауреати»** деган унвон билан суратлари, шеърлари, қасидалари газета саҳифасида мунтазам чоп этилган. У ўз вақтида: **«Ленин туғилган эди, туғилмоғи шарт эди...»** — деб халқлар «доҳий»сини улуғлаган. «Совет Ўзбекистони» газетасининг биргина 1980 йилдаги 192-сонида эълон қилинган шеърлари, 255-сонидаги собиқ компартиянинг XXVI съездига бағишлови фикримизнинг далилидир.

Ҳа, бугун Гулчеҳра Нуриллаевага озодлик ва мустақиллик нашидаси илҳом бағишламаяпти шекилли?! Тирноқ остидан кир қидиришни, хориж радиоси орқали бўҳтон, туҳмат тошлари отишни ўзига касб қилиб олишдан уялмаяпти. Бу «хизмати» учун у қандай мукофотланаётгани бизга қоронғи албатта, аммо фаолиятини тобора кенгайтириб, янги уйдирмалар кашф этаётгани, уни эфир орқали мағзава сингари сочаётгани кишини ўйга толдиради. «Бу хоним эски замонларни қўмсамаяптимикин?» деган шубҳага олиб келади.

Бунинг бари беихтиёр атрофига кул сочаётган ола товуқни эслатади. Ола товуқ кул сочиш билан овора бўлиб, патларини хурпайтиради. Ҳаракатлари ўзига ҳузур бағишлайди шекилли, тинимсиз қоқинади. Бечора бир жойи очилиб қолаётганини хаёлига ҳам келтирмайди...

■ Норбобо ШАКАРОВ

«ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ» ТАНЛОВИГА

Дунё ва Ўзбекистон!

Энди сен мустақил мамлакат сифатида, озод диёр тимсолида жаҳон харитасида, дунё кўзгусида қуёшдай порлай бошладинг. Тўлин ой мисоли очилдинг, юлдузлардай сочилдинг. Сенинг борлигингни дунё билди, дунё таниди. Дунё сени озод ва мустақил кўриб қучоқ очди.

Ғарб сени кўриб севинди. Шарқ яйради...

Сен дунёнинг йирик-йирик саҳналарига қаддингни тик тутиб ўз овозинг, ўз тараққиёт йўлинг ва мардона сўзинг билан дадил бораётирсан. Сенинг илдизлари жуда қадим тарихинг, буюк маданиятинг ва ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагинг бор. Журъатли ва жасоратли қадамларинг муборак бўлсин, азиз Ватаним — Ўзбекистоним! Илоё, жаҳон узра кўрсатаётган жамолингга кўз тегмасин. Ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ҳамиша Оллоҳим асрасин.

Тумор бўлай бўйларингга Ватаним!

Хумор бўлай тўйларингга Ватаним!

Бизни ўзбек дейдилар, ҳур Ўзбекистон дейдилар,

Тантиликда тенги йўқ марду майдон дейдилар.

Миллат шаънин улуғлаб тоза виждон дейдилар,

Яхши-ёмон кунларда чин меҳрибон дейдилар.

Меҳр-оқибатни аслида ўзбеклардан ўрганиш керак. Шарм-ҳаё, орият халқимизнинг қонига сингиб кетган. Сабр-тоқатда эса метиндан ҳам мустаҳкам. Тинчликни нондай азиз, деб билади, боласидай яқин кўради. Бегонага ёмонлик истамайди.

Феъли гоҳ Амудай сокин, босиқ, теран, гоҳ Сирдай тиниқ, тоза, гоҳо эса Зарафшондай жиловлаш қийин...

✧✧✧

Йўлбошчимиз айтганидек: «Бугунги қийинчиликлар ўтар, гирдоблар тинар, Ватан қолади. Халқ қолади. Диёнат, иймон, меҳр-оқибат ўзгармасдир». Шундай бебаҳо ва қудратли Ватан учун, шундай танти, фидойи, жафокаш ва меҳнаткаш халқ учун қанчалар фидойилик қилсанг, қанчалар ёниб яшасанг арзийди. Диёнати, иймони, эътиқоди мустаҳкам халқнинг Ватани ҳам енгилмасдир. Аслида Ватанимизни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмаган. Ҳатто зулм ва зўравонликка асосланган собиқ шўродай империяни ҳам бегуноҳ жазоланган, айбсиз қатағон қилинганларнинг руҳи, қўрқув ва таҳликада яшаган халқларнинг оҳузори охир-оқибат парчаладi, етмиш йиллик зулм занжирлари узилди, фақат Ватан қолди, буюк миллат қолди. Ўзбек, Ўзбекистон мангудир. Энди бўйинларимиз, елкаларимиз, онгу-шууримиз собиқ шўронинг зулм иплари билан боғланган сиёсий бўйинтуруқдан озод бўлди.

Бўйинга оғир ва занжирдек мустаҳкам бўйинтуруқ тақилган ожиз ҳайвонни кўрганмисиз? У қанчалик асов, шиддаткор бўлмасин, барибир бўйинтуруқ уни юввош ва итоаткор қилиб қўйган. Истаган томонга буриш, ҳайдаш мумкин шўрлик ҳайвонни. Бўйинтуруқ нафақат ҳайвонлар, балки одамлар учун ҳам жабр-зулмнинг энг даҳшатли намунасидир.

Бўйинтуруқ — озодлик ва ҳурликнинг ашаддий кушандаси,

Бўйинтуруқ — эркинлик ва озодлик йўлидаги мустаҳкам ғов.

Бўйинтуруқ — ғурур ва жасоратни мавҳ этиш учун босилган тамға.

Бўйинтуруқ — инсоният бошига мудом кулфат ёмғирини ёғдирадиган қора булут, қора қўланка, сиёсий эгов.

Бўйинтуруқ ҳар қандай ғурурли, ор-номусли миллатнинг қадр-қимматини топтайди, қаддини букади, ўзлигини поймол этади.

Фидойи юртбошимиз халқимизни қайтиб зулм бўйинтуруғига тушмасликка чақиряпти, зўравонлик бўйинтуруғини тақмасликка қайта-қайта даъват этаяпти: «Озод бўлсанг — озод бўл, эркин бўлсанг — эркин бўл, мустақил бўлсанг — мустақил бўл!»

Энди мустақиллик, истиқлол, ҳурлик ва озодлик бизга абадул-абад бўйинтумор бўлсин.

1

✧✧✧

Аёл эъзозланган, аёл ардоқланган юртда аввало инсоф, диёнат барқарор бўлади, миллат ғурури юксалади.

Аёл улуғланган юртда жасур, мард ўғлонлар, шижоатли, шарм-ҳаёли қизлар вояга етади. Алпомишлар, Барчинойлар туғилади.

Аёл — Ватан суянчи, Ватаннинг балогардони, Ватаннинг кўзмунчоғи.

Бу юртда оила — Ватан таянчи, миллат қўрғони.

Бу юртда оила — маънавият бешиги, тинчлик тарафдори.

Бу юртда оила — камолот бешиги, саодат маскани.

Бу юртда оила — аҳиллик майдони, эл-юртнинг шаъни.

Бу юртда оила — орномус минбари, чинорнинг ёши.

Мудом нур сочиб, мангу порлайверсин оила қуёши.

✧✧✧

Бугун улкан қурилишлар, гўзал ўзгаришлар майдонига айланган Тошкентга термулиб тўймайсан. Пойтахт жамолидан кўзлар қамашади, диллар яйрайди, ғурур ўсади.

Самарқандни кўриб Зарафшондай тўлиб-тошасан. Бухоро ва Хоразмни кўриб Амудай жўшасан, Фарғона водийсини кўриб Сирдай қалқиб-қалқиб оқасан. Қорақалпоқ ва Навоий, Қашқадарё ва Сурхон диёри, Жиззах ва Сирдарё жамолини кўриб кўзларинг тўймайди, қалбларда қувонч тўлқинланади. Бу улкан ўзгаришларда мустақиллик жилолари, озодлик манзаралари, ҳурлик ранглари ўзининг асрий ифодаларини топяпти. Бу беқиёс ўзгаришлар руҳингга руҳ, ғурурингга ғурур қўшади, қаддингни баланд тутишга, тенглар ичра тенг юришга ундайди, озод ва ҳурлигимизни ҳар лаҳзада эслатиб туради.

Ўзбекистон чиройи дунёни мафтун этмоқда. Дунё Ўзбекистон чиройига ошиқ бўлмоқда.

Ашурали ЖЎРАЕВ

ЖОНУ ЖАҲОНИМСАН, ВАТАН!

ПУБЛИЦИСТИК ДОСТОНДАН ПАРЧА

Дунё узра янграётган номингдан айланай — Ватаним.

Дунё бўйлаб қанот қоқаётган шонингдан айланай — Ватаним...

Афсуски, Ватан мустақиллигини, Ватан шон-шуҳратини кўролмайдиган ғаламислар бор экан. Душманнинг ўзингдан чиққани ёмон. Бегонанинг уйига кириб олиб, ўз онасига тош отган болани ким, деб аташ мумкин?!

Бир муҳожир фожиаси:

— Отажон, сизга нима бўлди?

— Кўзларим кўрмай қолди, болам.

— Ахир, яқинда отабоболарингиз ватанига қайтмоқчи эдингиз-ку?!

— Энди кеч бўлди, болам. Ватан соғинчи, ватан дардида зор-зор йиғлаган кўзларим энди батамом кўр бўлиб қолди. Мени хиёнат кўр қилди болам, хиёнат!..

Ватан қўрқоқлардан, сотқинлардан ҳазар қилади. Ватанни сотишдан ортиқ қабиҳлик йўқ. Ватанни сотганларни Ватан руҳи уради. Сотқинларни Ватан кечирмайди.

Ҳушёр боқ, узоқ-яқинда ғаразгўйлар бор!
Ҳушёр боқ, ҳасад тўла аразгўйлар бор!
Ҳушёр боқ, беҳудага соттувчилар бор!
Ҳушёр боқ, паналарда оттувчилар бор!

Февраль фожиалари, Боткен воқеалари, Сариосиё ва Узун тумани дараларида рўй берган терроршилик ҳаракатлари кўзларимизни очди, хоинларга нафратимизни сочди. Фожиалар мудроқ вужудларни уйғотди. Яна ҳушёр, мустаҳкам ва янада метиндек жипс бўлишга даъват этди. Оллоҳ сени ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли хоинлардан ҳамиша ўзи асрасин!

Яктан бўл, якдилу яккад бўл, эй қадим миллат,

Майдакашлик кўзгусида фақат ўзни кўриш энди уят!

Энди ҳаммамиз бир тан бир жон бўлиб — бу менинг Ватаним, бу бизнинг Ватанимиз, деб ғурурланадиган, ифтихор этадиган замон келди. Ватанни майда туйғулар билан севиб, ардоқлаб бўлмайди. Юксак чўққига қўнган чумчуқни ҳеч ким кўрмайди. Чўққига бургут ярашади. Бургутдек юксакликка, баландликка интил, шиддат билан қанот қоқ, халқим!

✧✧✧

Мустақилликнинг дастлабки ойларидаёқ Тошкентда Миллий боғ ва бу боғда буюк бобомиз Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали очилди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллигида эса Навоий шаҳрида улуғ мутафаккирнинг 560 йиллиги муносабати билан яна бир улкан боғ барпо этилаётир. Унда Навоийнинг яна бир муборак ҳайкали қад ростлайди. Улуғ шоирнинг руҳлари яна шод бўлади.

Биз яна ва яна Навоийга қайтаётирмиз...

Навоийга қайтиш — ўзимизга қайтишдир,

Навоийга қайтиш — сўзимизга қайтишдир,

Навоийга қайтиш — миллатга қайтиш,

Маънавиятга қайтиш — асл ўзлигимизга қайтишдир.

Маънавият боғимизнинг улкан боғбони, тафаккур дунёмизнинг пири камоли шубҳасиз Алишер Навоийдир.

Мустақиллик миллатни Навоий даражасига кўтариш ва кўтарилиши учун чексиз имкониятларни берди. Навоийни ўқиб ўрганиш, Навоийга фидо бўлиш, Навоийни билиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Навоийни тушунган — Ватанни тушунади,

Навоийни билган — Ватанни билади,

Навоийни севган — Ватанни севади,

Навоийни ардоқлаган — Ватанни қўриқлайди.

Ватанга фидо бўлади, Ватанга қалқон бўлади.

Таниқли олим Нажмиддин Комилов ёзганидек: «Навоий маънавиятимиз — уммони. Ундан қанча қониб ичсак, шунча юксаламиз».

Қаддингни тик тут, Навоийга интил,

Мағрур мард бўл, Навоийга интил.

Ҳаргиз хато қилма, адашма энди,

Ўз бўл, ўзбек бўл, Навоийга интил...

✧✧✧

Маънавият — тоза булоқ, ичган билан тўймайсан.

Маънавият — зўр истеъдод, ўрганишдан қолмайсан.

Маънавият — улкан тоғдир, ҳайрат билан боқасан.

Маънавият — сархил боғдир шарбатидан қонмайсан.

Маънавиятли эл — ботир эл, баҳодир эл. Маънавиятли халқ — комил халқ. Маънавиятли Ватан боқий ва енгилмасдир.

Маънавият боғларинг абадий гуллаб турсин, Ватаним.

Маънавият бўстонларинг мудом яшнаб турсин, Ватаним.

✧✧✧

Эй, дунёга келган гўдак, қаттиқроқ чинқир, чунки сенинг чинқириғингда соғлом нафас уфуриб турсин!

Эй, бешикда кулаётган бола, қаттиқроқ кулгин, чунки сенинг кулгингда соғлом қувонч барқ урсин!

Эй, той-той қилиб юраётган фарзанд, дадил юравергин, чунки сенинг жажжи қадамларинг соғлиқ-саломатлик тимсоли бўлсин!

Эй, яйраб-яшнаб ўсаётган ўсмир, бардам ва соғлом ўсавергин, чунки сенинг соғлиғинг юрт ва миллатнинг энг катта ва бебаҳо бойлигига айлансин, келажаги буюк давлатнинг мустаҳкам пойдевори бўлсин!

Сарбони бор карвон асло адашмагай, йўлини йўқотмагай,

Сарбони бор карвоннинг манзили ёруғ, келажаги буюк.

Сарбони бор карвонга на хавф-хатар, на тўсиқ йўқ.

Сарбони бор карвоннинг изи ёрқин, изи қутлуғ.

Катта йўлга чиққан катта карвоним — Ўзбекистоним!

Йўлинг мангу ёруғ, Йўлбошчинг ҳамиша омон бўлсин!

2

3

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ФАХРИЙЛАР ЙЎҚЛАНДИ

Элимизда яхши бир одат бор — шодиёна, байрам кунларини ҳам мурувват, меҳрибонлик фазилатлари билан бирга қўшиб нишонлашади. Яъни, байрам кунларини меҳр-оқибат байрамига айлантиришадики, шу кунларда бева-бечоралар, қари-қартанглар ҳолидан хабар олинади, уларга қўлдан келганича совға-салом улашилади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами муносабати билан Халқ демократик партиясининг Сирғали туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси, шунингдек «Қизил ярим ой» жамияти билан биргаликда партия фахрийлари ҳамда тумандаги кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишиларга меҳрибонлик ёрдамини кўрсатишди.

— Туман ички ишлар бўлими бизга машина ажратиб берди. Мана ҳозир партиямиз фахрийси Х. Рўзиева хонадонига кириб бу табаррук аёлимизни совға-саломларимиз билан табрикладик ҳамда баҳоли қудрат ҳол-аҳвол сўрадик (суратда). *Ҳали яна ўнлаб хонадонларга кириб чиқишимиз керак. Бу бизнинг мустақиллигимизнинг ҳамда партиямизнинг 10 йиллик тўйига совғамиз бўлади, — дейди ХДП Сирғали туман кенгаши 1-котиби Лола Исматова.*

■ Ўз мухбиримиз

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Кеча Тошкентда «Футболимиз келажаги» номи остида ўтказилган тадбирда маҳаллаларда футболни ривожлантириш, болаларнинг бўш вақтларини тўғри амалларга йўналтириш ҳамда етук ўйинчиларни тарбиялашда мазкур бўғиннинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

Маълумки, ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Ўзтелерадио» компаниясининг «Ёшлар» телеканали ташаббуси билан маҳалла болалари ўртасида футбол бўйича республика биринчилигини ўтказиш йўлга қўйилганди. Дастлаб 14 ёшгача бўлган жамоалар ўртасидаги мусобақалар ўтган йилгидан фарқли ўлароқ бу йил 9-11, 12-14 ҳамда 15-16 ёшдаги болалар ўртасида ташкил этилди. Турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллалар жамоалари ўзаро куч синашиб, ғолиблар финал босқичига саралаб олинди. Унга кўра, бугун 9-11 ёшдаги ўсмирлар финал учрашувларини Фарғона шаҳрида, 12-14 ёшдаги жамоалар 21 август куни Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» ўйингоҳида, 15-16 ёшдаги маҳалла болаларининг финал учрашувлари 29 август куни «Жар» стадионида бўлиб ўтади. Мусобақаларнинг муҳим жиҳати шундаки, барча учрашувлар олий табақа жамоаларининг ўйинлари олдидан ўтказилади.

Қисқа қилиб айтганда, маҳалла болаларнинг жисмонан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишда муҳим роль ўйнайдиган мазкур турнир нафақат ёшларни спортга ошно этади, шунингдек, футболимиз шарафини ҳимоя қиладиган истеъдодли футболчиларни ҳам етиштириб беради.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Германия Федератив Республикаси Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ерларидаги Байсвайлер шаҳрида жойлашган мамлакат Федерал маъмурий идорасининг аҳолини ҳимоя қилиш Марказий хизмати омборларидан Ўзбекистон Республикаси учун навбатдаги инсонпарварлик ёрдами «Ўрта Осиё Транс»га қарашли 2 та катта юк ташувчи автомобилга юклаб жўнатилди.

Умумий оғирлиги 30 тоннадан зиёд 3,2 миллион немис маркаси қийматидаги мазкур инсонпарварлик ёрдами рентген, жарроҳлик операцияси, травматология ва лаборатория ускуналари ва бошқа тиббиёт асбоб-анжомлари, шунингдек, касалхона тўшаклари ҳамда махсус кийим-кечаклардан ҳаммаси бўлиб 138 хил турдаги ашёлардан иборат.

Шуниси диққатга сазоворки, улар орасида ўқ отиш қуроллари воситасида жароҳатланган, бош миясининг шикастланган, ёнғинда куйган, суяги синган беморларни операция ва реабилитация қилиш ускуналари ҳам мавжуд.

Шулар билан бир қаторда немис тили чуқур ўргатиладиган республика академик лицейлари учун 50 комплект компьютер ҳам етиб келади. У Германия — Ўзбекистон жамияти саъй-ҳаракати билан «Postbank Data GmbH» (Бонн шаҳри) томонидан тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу инсонпаварлик ёрдами Германия федерал ҳукумати томонидан жорий йилда Ўзбекистон Республикасига ажратилган учинчи инсонпарварлик кўмагидир. 15 миллион немис маркаси миқдоридаги 110 тоннадан ортиқ тош босадиган инсонпарварлик ёрдами юкларини белгиланган жойга етказиш учун 7 та катта ҳажмли юк ташувчи машинадан фойдаланилди.

■ «Жаҳон» АА



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Шифокор деганда, жонимиз кўзга кўриниб турган пайтда дори-дармон билан шифо берган оқ халатли одамлар келса, иккинчи томондан аввало бир оғиз ширин сўз — тасаллиси билан малҳам бўладиган мунис инсонлар кўз олдимизга келади. Ҳа, Мирзо Улуғбек туманидаги 36-сонли оилавий шифохона тиббиёт ходимларига ҳам беморлар шундай таъриф беришади. Улар саломатлик жонкуярларидан кўрсатаётган беминнат хизматларидан доимо миннатдор.

Шифохона 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, беморларга барча шарт-шароитлар яратилган.

ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш қанчалар бахт ва ифтихор экани ҳақида баъзиларимиз кўпам ўйламаймиз. Зеро, давлатимиз рамзи ифода этилган яшил рангдаги Ўзбекистон паспортини қўлга олган ҳар бир йигит-қиз кўнглида ифтихор туйғулари жўш уриши табиий. Фуқароларга халқаро андозаларга мос ва хос Ўзбекистон паспортини расмийлаштиришда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ибратли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бор-йўғи 8 киши хизмат қиладиган бу бўлинмада жорий йилнинг ўтган ярмида 3332 та миллий паспорт ҳужжатлаштирилди.

Компьютер орқали расмийлаштириш жараёнида 1289 нафар фуқаро рўйхатга олиниб, 1888 нафар фуқаро рўйхатдан чиқарилди. Шунингдек, шаҳар ҳудудидаги 7287 та шахсий уй, 18664 та хонадон, 29 та меҳмонхона, 21 та ётоқхона, 19 та ташкилот ва 34 та корхона текширувдан ўтказилди. Маълум бўлишича, 768 та маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган. Шундан 689 тасида рўйхатга олинмагани, 79 тасида ҳақиқий бўлмаган, яъни муддати ўтган паспортлар билан яшаётганлар борлиги аниқланди. Паспорт қоидалари тизимини бузганлиги учун 848 нафар фуқарога нисбатан баённома тузилиб, жами 1233750 сўм жарима ундирилди. Шунингдек, Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлинмаси ходимлари паспорт-виза режимига қатъий риоя қилиш ишларига ҳам эътибор қилишмоқда. Бир сўз билан айтганда, Чирчиқда яшил рангдаги Ўзбекистон паспортини фахр билан ёнларига солувчи фуқароларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.

■ **Шавкат АКРАМОВ**

Суратда: *Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими паспорт бўлимаси бошлиғи Тошпўлат Ғоипов билан ходима Татьяна Гуляева иш устида.*

РАНГЛИ МЕТАЛЛ ОВЧИЛАРИ

Пойтахтнинг Ҳамза туманида жойлашган электр трансформаторидан эҳтиёт қисмларни ечиб олишга интилган баъзи бир шахсларнинг уринишлари ўлим билан тугади.

Ваҳоланки, улар трансформаторда юқори кучланишли ток борлигини яхши билишган. Рангли металл овчилари енгил бойлик орттириш мақсадида кабеллар бўлакларини қирқиб, трансформаторларни ечиб кетмоқда, кучли подстанцияларга ўғирликка кирмоқда. Кимдир бунинг уддасидан чиқмоқда, кимдир кучли ток уришидан сўнг ўзига келгани йўқ, айрим кишилар эса металл учун курашда фожиали ўлим топмоқда. Ана шундай мис ўғриларидан бир нечтаси «Жануби — Ғарб» станциясига киришга қарор қилишган. Балки улар станцияларда ток кучланиши 6 минг волтдан 110 волттача ўзгариб туришини билишмагандир. Бундай кучланиш билан тўқнашув нима билан тугаши маълум.

Биргина Тошкент шаҳридаги электр тармоқлари корхоналари объектларида жорий йил бошидан буён 30 дан ортиқ ўғрилик содир этилган. Етказилган моддий зарар ўнлаб миллион сўмни ташкил этади.

Барчамиз учун зарарли бўлган бундай ваҳшийликни қандай бартараф этиш мумкин? Бунинг бирдан-бир йўли огоҳлик, зарар-кунандаларга биргаликда курашдир. Баъзан рангли металл ўғрилари етказилган зарарни суд орқали тўлаган ҳоллар ҳам бўлган.

■ **В. ДРАЧЁВ**

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ПЛАКАТ

Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши «Депутатлар халқ хизматида» номли плакатни чоп этди. Унда шаҳар партия ташкилоти ХДПдан республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва Чирчиқ шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларнинг фаолияти ҳақида сўз боради.

Шаҳарда 17 та депутат қабулхоналари мавжуд бўлиб, улар, асосан, депутатлар иш жойида ташкил этилган. Улардан бири шаҳар партия кенгаши биносида жойлашган. Шунингдек, депутат қабулхоналари маҳаллаларда, мактабларда ва ўқув юртларида ҳам ташкил этилган. Қабулхоналар манзиллари ва сайловчиларни қабул қилиш жадвали тўғрисидаги ахборотлар «Чирчиқ» шаҳар газетасида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди.

ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз фаолиятлари тўғрисидаги ахборотларини шаҳар партия кенгаши ижроия бюросида, бошланғич партия ташкилотларида мунтазам эшитиб бориш, уларнинг аҳоли ўртасидаги ишларини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Чунончи, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси йиғилишларида Олий Мажлис депутати Х. Назаров, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати А.Семенчукларнинг, бошланғич партия ташкилотларида М. Туманова ҳамда У. Носировларнинг депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Плакатда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади. Ушбу гуруҳ ўз фаолиятини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг тегишли қарорлари асосида олиб бориб, тасдиқланган режага мувофиқ ташкил этган. Барча депутатларга Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган, депутатлар ишини ташкил этиш учун зарур бўлган, услубий ашёлар тарқатилди.

Депутатлар гуруҳи аъзоларини мамлакатда рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий воқеалардан мунтазам хабардор қилиб бориш учун Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши қошида қатор йиллар давомида депутатлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Клуб машғулотлари йилнинг ҳар чорагида бир марта бўлиб, унда тасдиқланган режага кўра машғулотлар олиб борилади. Машғулотлар «Халқ депутатлари барча даражадаги Кенгашларига сайловлар натижаси тўғрисида», «Маҳаллий ҳокимият асослари», «Ўзбекистон Республикасида депутатлар мақоми тўғрисида», «Инсон ҳуқуқлари ҳақида нималар билмоқ ва уларни амалга ошириш учун қандай кўмак бермоқ лозим?» каби, кўплаб мавзуларга бағишланади. Клуб мажлисларида мунтазам равишда депутатларнинг қилган ишлари тўғрисидаги ахборотларини тинглаш йўлга қўйилган.

ХДПдан сайланган депутатлар шаҳар партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари ўтказаётган турли тадбирларда иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатларини тарғиб этиш ишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Плакат депутатлар фаолиятидан олинган фотолавҳалар билан безатилган.

■ **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати**

БАНК ВА МИЖОЗ

БАНК АҲОЛИ ТОМОН ИНТИЛМОҚДА

Расул Қосимович вилоят «Пахта банк» бошқармасига бошлиқ бўлиб келганига олти йилча бўлди.

У шу соҳага ўтган олти йил давомида вилоят туманларию ҳўжаликларини ўн марталаб эмас, юз марталаб узунасию кўндалангига кезиб чиқди десак, хато бўлмас. Бошқарма бошлиғи ўз атрофидаги малакали мутахассислар, «Пахта банк»нинг туман бўлимлари бошлиқлари билан жойлардаги муаммолар ечимини топа билади.

«Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажаради» — деб таъкидлаган эди юртбошимиз.

«Пахта банк» ҳам тизимдаги ана шундай қудратли локомотивлардандир. У республикамизнинг ҳамма жойида бўлганидек, вилоятда ҳам деҳқончилик саноат мажмуини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурини кредитлаш ва молиялаш бўйича ҳукумат вакили вазифасини бажариб келмоқда. Қисқаси, Фарғона вилояти бошқаруви ҳам шу банк тизимидаги энг бақувват, мижозлари кўп, ишни ташкиллаштиришда ва бошқарувда энг замонавий техник усулларни қўллаб келаётган банкдир. Ҳозирги пайтда Р. Шаропов етакчилик қилаётган ушбу бошқармада унинг 20 та бўлими, шунингдек, 11 та «Минибанк»лари ишлаб турибди.

Тизимда 760 дан ортиқ малакали мутахассислар фаолият кўрсатяпти. Бугунги кунда банкнинг низом капитали 1984 млн. сўмни ташкил этади.

Юқорида таъкидланганидек, банк фаолиятидаги энг муҳим йўналиш ҳўжаликлар, корхоналар, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини кредитлаштиришдир. Ўтган йилда вилоят «Пахта банк» бўлимлари томонидан халқ ҳўжалиги тармоқларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 7428 млн. сўм кредит берилди.

Чиндан ҳам, кейинги йилларда «Пахта банк» ва унинг бўлимларида жиддий тадбирлар амалга оширилди.

Чунончи, банк бўлимлари фаолиятини кучайтириш учун уларни замонавий компьютер воситалари ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминлаш, янгича, самарали ишлаш учун аксари туманларда қулай бинолар қурилди.

Қатор жараёнлар автоматлаштирилди. Қисқаси, «Пахта банк» тизимини компьютерлаштиришнинг биринчи босқичи тўла амалга оширилди.

«Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси хорижий валюталарда ҳам операциялар ўтказиб, мижозларга ибратли хизмат кўрсатмоқда. Кейинги уч йил мобайнида хорижий валютада айрибошланадиган биржа, депозит ва жамғарма операциялар ҳажми 11795394 АҚШ долларини ташкил этди. Қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишда ҳам бошқарма республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаган.

Банк ва унинг жойлардаги бўлимлари вилоят агросаноат мажмуининг юзлаб мижозларига кредитлар ажратишда оқилона йўл тутмоқда. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бошқарма аввало, қисқа муддатли кредитлар бериш йўлини танлади. Нега шундай қилинмоқда?

— Гап шундаки, — дейди бошқарма бошлиғи, — ишлаб чиқариш инфраструктураси шакилланган, ишчи кучи етарли, хомашё манбалари аниқ бўлган бир шароитда қисқа муддатли кредит олган жисмоний ва юридик шахслар кредитдан ўз муддатида ва самарали фойдаланиш чораларини кўрадилар. Албатта, бу нарсани ҳар бир банк ўзининг иқтисодий, ташкилий, молиявий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз кредит сиёсатини шакллантиради.

Бошқарма бошлиғининг таъкидлашича, «Пахта банк» хизматининг қисқа муддатли кредитлар ажратиш сиёсати ижобий натижалар бермоқда. Мисоллар мурожаат қилайлик. 2001 йил 1 июлгача «Пахта банк» тизимида қисқа муддатли кредитларнинг умумий кредит қўйилмаларининг 75-80 фоизини ташкил этади. Кредит ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги, мижозлар билан ҳамкорлик намунали, оқилона амалга оширилаётганлиги натижасида кредитлар ўз муддатида, тўлов шартларига қатъий амал қилинган ҳолда қайтариб олинмоқда.

Гап қисқа муддатли кредитлар бериш ҳақида бораркан, шунга доир бир мисолни келтириб ўтиш лозимдир. «Пахта банк»нинг Янгиқўрғон бўлими иккита ташкилот томонидан тушган аризаларни кўриб чиқди. Маълум бўлишича, бу ташкилотларда 4 миллион 350 минг сўмлик муддати ўтган иш ҳақлари мавжуд экан. Ташкилотларнинг бизнес режасига кўра, ана шу миқдордаги иш ҳақлари тўланса, ишлаб чиқаришда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин экан. Ўз-ўзидан равшанки, ташкилотлар банкдан қарз сўрашяпти. Бошқарма бошлиғи, қолаверса, мутахассислар бу икки ташкилотнинг аҳволи, имкониятларини атрофлича таҳлил этишиб, уларга қисқа муддатли кредит беришга келишишди. Ҳар икки ташкилот ҳам ишончни оқлади. Маблағ мақсадга мувофиқ ишлатилиб, иккала ташкилот ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олди. Худди шу банк бу борада дадил қадамлар ташлай бошлади. У тумандаги 23 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўз ресурслари ҳисобидан 86 миллион сўмдан кўпроқ қисқа муддатли кредитлар ажратди.

1999-2000 йиллар давомида эса мижозларга унча-мунча эмас, 15930 миллион сўмлик қисқа муддатли кредитлар ажратилган, маблағлар аниқ мақсадлар йўлида сарфланиб, ижобий натижаларга эришилган қолаверса, шу кредитларнинг ҳаммаси шартномада кўрсатилган фоизларда қайтарилиб, банкнинг молиявий заминини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Кредит берилган мижозга маблағ ўтказилгач, «Пахта банк» бошқармаси ёхуд унинг бўлимлари ана энди, мижозларимиз иши юришиб кетади деб қараб ўтиришмайди. Гап шундаки, қарз берилган ҳар бир ҳўжалик субъектига алоҳида банк ходими масъул этиб тайинланади. Ходим ҳар бир мижоз маблағдан мақсадли фойдаланяптимийўқми, назорат қилиб боради, юридик маслаҳатлар беради.

Расул Қосимович тизимдаги дадил қадамлар ҳақида гапира туриб, ғалати бир мисолни келтирди.

— Саксонинчи йилларда туман банкида бошлиқ эдим. Ҳонамда ҳеч вақо йўқ. Битта радиопрёмник олмоқчи бўлдим. «Мумкин эмас!» дейишди. Шугина масаланиям «катта пойтахт» ҳал қиларкан.

Истиқлол меваси бўлмиш «Пахта банк» бугунги кунда қулочларини кенг ёзиб, хориж билан ҳам валюта операцияларини ўтказаяпти. Бошқарма бошлиғи таъбири билан айтганда, у таъсир доирасини тобора кенгайтириб, «Пахта банк» бўлимларининг «укаси» бўлмиш «Минибанк»лар ҳам пайдо бўлаяпти. Ҳозиргача «Минибанк»лар вилоятда 11 та. Яқин орада улар сафига яна 6 та қўшилади. Улар туманларнинг олис қишлоқларида, аҳоли зич жойларда барпо этиляпти. Аҳоли банкка эмас, банк аҳоли томон интиляпти. Мана энди, минглаб мижозлар олис йўли қисқариб, банк хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар. «Минибанклар» коммунал тўловлар билан ҳам шуғулланади. Бу нарса ўз самарасини бераяпти. Вилоятда аҳолининг коммунал тўловлардан 1 миллиарддан кўпроқ қарзи бор. «Минибанк»ларнинг жойлардаги агентлари бевосита аҳоли орасида юриб, бу масалани ҳал қилишда самарали натижаларга эришаётгани сезилиб турибди.

«Пахта банк» билан ҳамкорлик қилган унча-мунча фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳар жиҳатдан ривожланиб, нозу неъматлар маконига айланмоқдалар.

Вилоят «Пахта банк»и билан самарали ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон туманидаги «Умид» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаровнинг номи бутун республикамизда оғизга тушди. Банк ташаббускор бу фермерга катта миқдорда кредит берганди. Фермер хўжалигининг йиллик товар айланиши 33 миллион сўмдан ошиб кетди. Салоҳиятли фермер Имомали Назаров 220 минг АҚШ доллари ҳисобига Исроилнинг сутни қайта ишлайдиган заводни қуришга шу банкдан ҳам йўл ўрганди.

Ўзбекистон Республикаси электрон тўловлар тизимини барпо этишда Ҳамдўстлик давлатлари орасида пешқадам экани маълум. Вилоят тизимида бу иш тепасида Р. Шаропов турди. Эндиликда мижоз билан мижоз ўртасидаги пул операцияси 10-15 дақиқада ҳал бўлади. Маблағ айланиши тезлиги иқтисодиётимизда нечоғли катта аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Раҳбардан доим ташаббус чиқиб туради. Масалан, ходимларни аттестациядан ўтказишда «КВН» усулини қўллашни таклиф этди. Савол-жавобларнинг теранлиги билан бу усул одатдаги аттестациядан масъулиятлилиги билан ажралиб туради.

Яна бир мисол, вилоятдаги 174 ширкат хўжалигининг молиявий аҳволини мукаммал таҳлил этиб бориш одатга киритилди. Энг мукаммал таҳлилчига яхшигина мукофот тегади. Касб маҳорати, малака оширишдаги ўнғай йўл шу эмасми?

Қисқаси, вилоятда банк тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ғайрат шижоатли Расулжон Шароповнинг ҳали тизимда кўп ишлар қилишига ишончимиз комил.

■ **Охунжон ҲАКИМОВ, Алишер ИБОДИНОВ**

14 АВГУСТ — ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИНГ 54 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МУРОЖААТИ

Ўзбекистонда яшаб фаолият курсатаётган барча ҳамюртларимни Покистон Ислом Республикаси мустакиллигининг 54 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этаман.

Мустақиллик даври мобайнида юртимиз тинимсиз мехнат ва оқилона сиёсат туфайли катта ютуқларга эришди. Лекин биз бу ютуқлар билан қониқиб қолганимиз йўк. Олдимизга мамлакат иктисодиётини янада ривожлантириш, халқимизнинг яшаш тарзини яхшилаш, дунёда тинчликни барқарор қилиш каби улкан мақсадлар қўйилган ва бу мақсадга эришиш учун биз барча қийинчиликларни ва тўсиқларни енгишга тайёрмиз.

Мен Ўзбекистонда яшаб, ишлаб келаётган юртдошларимга севимли Ватанимиз Покистоннинг ривожланиши ва биродар Ўзбекистон Республикасининг равнақи йулида килаётган ишларида улкан зафарлар тилайман. Оллох доимо сизларга мададкор бўлсин!

Фазал ГАФУР,
Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

15 АВГУСТ — ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

НАЛАНДА — БИЛИМЛАР ШАҲРИСТОНИ

Наланда Рим каби тез сўрватда қурилмаган. Унинг тараққиётга таъсири — Ҳиндистон маданияти, илму маърифатига ранг-баранг ва жуда кенг қамровда эди.

Бугунги сайёҳларнинг гувоҳлигига биноан Наланда, Ражгриха ва Викрамсила атрофларида Вихаралар — эҳромларнинг сони жуда ҳам кўп. Уларнинг сони шунчалик кўп бўлганки, Ҳиндистоннинг Бихар штати номи ҳам ана шундан келиб чиққан. Наланда билимлари фикр юритиш ҳамда фикр изҳор этишда, ҳаракатланишда озодликни тарғиб этган. Ушбу маданий мерос бир вақтнинг ўзида: нобуддий ва буддий бўлган.

Наланданинг бошқа университетлардан фарқли жиҳатлари ҳам бўлган. Наланданинг дарвоза қўриқчилари олий ҳурматга сазовор бўлган олимлар бўлиб, улар мамлакат бўйлаб энг донолар орасидан танланганлар ва ўз фанларининг билимдони ҳисобланиб, дарвозанинг ўзидаёқ янги келаётган талабаларни имтиҳон қилганлар. Бу «кириш имтиҳонлари» — янги услуб бўлиб, Наланда даврини тарихий контекстда ўрганишда таҳсинга лойиқдир.



Дарвоза имтиҳонларидан муваффақият билан ўтиш жуда ҳам мушкул бўлган. Ҳар ўнлаб номзоддан етти ёки саккизтаси муваффақиятсизликка учраган. Улар қабул қилингунларигача дарвоза ёнига такрор ва такрор келиб имтиҳон бераверишган. Фақатгина қобилият ягона, ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган ва ҳатто подшоҳ ҳам бу қоидадан мустасно бўлмаган. Қадимий қўлёзмаларда қайд этилишича, шоҳ оиласига мансуб бўлган ёки улар қўллаб-қувватлаган номзодлар ҳам улар хазинасидан ажратилган маблағлар ҳисобига Наланда эҳтиёжлари қондирилишига қарамасдан, инкор жавобини олганлар. Олим, роҳиб И-Цзинг ёзишича, Наландага қабул қилинувчиларнинг энг кичиги 20 ёшга тўлган бўлиши керак эди. Бу маълумот, Наландага бошқа университетларда ўқишни тугатганлар янада юқорироқ савиядаги билимга эга бўлиш мақсадида ўқишга кирганлигидан далолатдир. Харша ҳукмронлик қилган йилларда Наландага борган хитойлик зиёратчи Хиёнг Цангнинг тасдиқлашига биноан, «турли шаҳарлардан келган олиму фузалоларнинг аксарият кўпчилиги, мунозараларда иштирок этиб, машҳурликка эришиш ва Наландада ўз иккиланишларига барҳам бериш мақсадида ташриф буюрганлар».

Бу улкан илм даргоҳига қабул қилиниш фахр ва нуфузли воқеа ҳисобланган. Ушбу маскандаги билимга бўлган юксак эътибор узоқ мамлакатлардан ҳам талабаларни ўзига жалб қилган. Илоҳиёт ҳақидаги фан мажбурий бўлган бўлса ҳам, Наланда тор мазҳаб ёки фақат буддизм дини ўқитилган университет бўлмай, бошқа фанлар ҳам чуқур тарзда ўқитилган.

Деярли барча илмлар жумладан,тиббиёт илми ҳам чуқур ўқитилган.

Хиёнг Цангнинг маълумот беришича, Наландада ҳар куни риоя этилган маросимлар кўп бўлган. Кун эрта тонгдаги ҳаммомда ювинишга чорлаш билан бошланган. Тонгда ҳаммомда ювиниш барча учун мажбурий бўлган. Жуда бўлмаганда, тавсия этилган соатда чўмилиш мажбурий эди.

Чўмилишдан сўнг Будданинг илоҳий тасвирини поклаш, уни гул ярпоқлари билан безатиш ва мушк-анбарлар сепишдан иборат анчагина вақтга чўзилган расм-русум амал қилиниб, мадҳия қўшиғи ижроси билан якунланган.

Санскритни билиш муҳим аҳамият касб этиб, Санскрит грамматикаси, адабиёти ва тўғри талаффуз қоидаларини мукаммал тарзда ўзлаштириш зарур бўлган. Ўқув услуби устоз-шогирд муносабатларига асосланиб, мунозаралар ҳам шу асосда ўтказилган. Университетнинг 700 йиллик тарихи мобайнида бирорта ҳам қўзғолон, нотинчлик ёки тартибсизлик (ақлий баҳслардан ташқари) содир бўлмаган.

Наланда буюк ҳинд анъанаси Гуру-Шишийя Парампаранинг яққол мисолидир. Гуру (устоз)нинг Шишийя (шогирд) устидан тўла ҳукмронлиги мавжуд бўлиб, фақатгина илмий масалалар юзасидангина баҳслашишга рухсат этилар эди.

Наланданинг яксон этилиши қайғули воқеадир. Ривоятларга кўра, бир нечта роҳиблар босқинчиларнинг оёқларига бош уриб, жаҳонга машҳур Ратнабодхи кутубхонасини сақлаб қолишни илтижо қилганлар. Афсуски, жаҳолат ботқоғига ботган босқинчилар қимматбаҳо тарихий кутубхонани гулханда ёндирганлар. Қайноқ ҳаёт сарчашмаси ҳисобланган маърифат ўчоғи шу тариқа сокин ва маҳзун тарихий ёдгорликка айланди. 1915 йилда Наланда ёдгорлигида бошланган археологик қазишмалар 20 йил давом этган.

Ушбу қадимий Шаҳристонга яқин ерда жойлашган Наланда Махавирадаги Сакиямуни ёдгорлиги барча фозил инсонларни ўз бағрига яширган тарих варақларини варақлашга ундаётгандай туюлади.

■ **Пранав КХУЛЛАР, журналист**

МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфилд якшанба куни стратегик барқарорлик масалалари бўйича Россия-Америка маслаҳатлашувларининг иккинчи даврасида иштирок этиш учун Москвага келди. Музокаралар дастурида ракетага қарши мудофаа муаммосини ва икки мамлакат ҳарбий маҳкамалари йўналиши бўйича муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш ўрин олган. «Интерфакс» хабарига кўра, мудофаа маҳкамалари раҳбарлари Россия-НАТО муносабатларининг ҳозирги босқичдаги ривожланишининг боришини ҳам муҳокама этадилар. АҚШ мудофаа вазирининг мазкур амалий ташрифи ракетага қарши мудофаа муаммолари бўйича Россия-Америка келишуви доирасида июль ойида режалаштирилган эди.

ШАФҚАТСИЗЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Буюк Британиядаги қочқинлар ирқчилик, зўравонлик ва тиббий ёрдам йўқлигидан арз қилмоқдалар. Халқаро ҳамжамият Буюк Британиядан мамлакатга келаётган ва сиёсий бошпана сўраётган кишиларни қамоқхонага ташлаш амалиётига барҳам беришни талаб этди. «Индепендент» газетасининг маълумотларига кўра, БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича бошқармаси бошлиғи Рууда Любберса Британия халқаро қонун-қоидаларни бузаётганлигини айтган. «Сиёсий қочқинларни асло ушлаш мумкин эмас, деди у. — Уларнинг кўпчилиги мислсиз жароҳатларни бошидан ўтказган, қамоқхона тажрибаси эса бу азиятларни янада кучайтиради». Газетанинг ёзишича, Британия «айбсиз қочқинларни қамоқхонага жойлаштираётган» Европадаги ягона мамлакатдир. Уларнинг кўпчилиги бу ерда бир кеча-кундузда 20 соатдан кўпроқ қамоқхонада ўтиришига тўғри келаётир.

XORIJDA

КУЧЛИ СУВ ТОШҚИНИ

Эроннинг шимолий-шарқида рўй берган сув тошқинлари натижасида юздан ортиқ киши халок бўлган. Ҳарбий вертолётлар дом-дараксиз йўқолганлар қидирувини давом эттирмоқда. Мамлакат Президенти Муҳаммад Хотамий ҳукуматни табиий офат оқибатларини енгиллаштириш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланишга чақирди. Офат натижасида, охирги икки кун мобайнида 1500 уй, йўл, газ қувури вайрон бўлган. Телефон линиялари ва электр таъминоти узилган. Минглаб гектар қишлоқ хўжалик майдонлари сув остида қолган.

АЙБЛОВЛАР ТЕКШИРИЛМОҚДА

Халқаро ҳамжамият ғарблик саккиз фуқаро — Shelter Now ҳайрия ташкилотининг ходимлари тақдиридан ташвиш билдиряпти. Улар Афғонистонда мусулмонларни христианликни қабул қилдиришга бўлган уринишда гумон қилиниб, қўлга олинган эди. Толиблар ҳукумати ташқи ишлар вазири Вакил Аҳмад Мутавакилнинг айтишича, полиция хорижликларга қўйилган айбловларни текширмоқда. У бир қатор ғарб ташкилотларини танқид остига олди. Мутавакилнинг сўзларига кўра, ушбу ташкилотлар муҳтож афғонларга ёрдам бериш баҳонасида христианликни тарғиб этаётир. Толиблар минглаб аудио ва видеокассеталар, компьютер дисклари ва библиялар мусодара этилганини маълум қилишди. Ҳибсга олинган хорижликлар тақдири ҳақида ҳозирча бирон нарса маълум эмас. Бироқ Қобулдаги ҳайрия ташкилотлари ходимлари шу муносабат билан қамоққа олинган 16 афғон фуқароси тақдири учун хавотирда. БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили толиблар меҳр-шафқат намоён этиб, ташкилотнинг барча 24 ходимини озод этишига умид билдирди. У Қандаҳорда толибоннинг юқори мартабали вакили мулла Абдул Жалил билан учрашишга ҳозирлик кўрмоқда.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2001 ЙИЛ 14, 28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази»нинг «ГАЗ-2413» русумли автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 311, **бошланғич баҳоси — 273 543 сўм.**

Шайхонтоҳур тумани молия бўлиминг «ВАЗ-2105» русумли автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 510, **бошланғич баҳоси — 222 136 сўм.**

Савдолар соат 10.00 да бошланади

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй.
Метронинг Алишер Навоий бекати.

МУҲТАРАМ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали ойда икки маротаба ким ошди ҳамда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни биржа савдоларини ўтказади.

Ким ошди, танлов, биржа савдоларида якка тартибда уйжой қурувчилар учун ер майдонлари, автотранспорт воситалари, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган бинолар, банкротга учраган корхоналарнинг мол-мулклари доимий равишда савдога чиқарилади.

Тўловлар Сизга қулай усулда амалга оширилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

МИЛЛАТ ВА АДАБИЁТ

ҲАҚИҚИЙ АСАР ЁЗИЛМАЙДИ, ТУҒИЛАДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВ билан суҳбат



— Ўткир ака, Сизнинг роман ва қиссаларингиз, ҳикоя ва саҳна асарларингиз кириб бормаган хонадон йўқ, десак, муболаға бўлмайди. Улар халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Асарларингиздаги миллий руҳ, ўзбекона оҳанг уларга ўзгача тароват бағишлайди. Кўп асарларингизда фольклор намуналари — эртаклар, ривоят ва ҳикоятлардан кенг фойдалангансиз. Бунинг сабаби нима?

— Ишонч билан айтишим мумкинки, ҳақиқий бадиий асар ёзилмайди, у тирик организм каби туғилади. Тирик организмда эса ҳеч нима ортиқча бўлмаслиги керак. Ҳар қандай детал, ҳар қандай тасвир, ҳар қандай образ, жумладан фольклордан олинган намуналар ҳам асар организмига сингиб кетиши, маълум вазифани бажариши керак. Шу маънода фольклор намуналарини шунчаки, халқимиз жуда донишманд, у яратган афсона, ривоят ва ҳикоятлар кўп деб таъкидлаш учунгина ишлатилган эмас. Ҳар қандай фольклор намунаси бир томондан асарнинг мазмунини чуқурлаштирса, иккинчидан образ моҳиятини очишга хизмат қилиши керак.

«Дунёнинг ишлари» қиссасида фольклор намуналаридан анчагина фойдаланилган. Масалан, она ҳаққуш ҳақидаги афсонани фарзандларига айтиб беради. Бундан мақсад, она афсоналар, эртакларни яхши билишини таъкидлаш эмас. У ўз болаларининг иноқ, бир-бирига мехрибон бўлишини жуда хоҳлайди. Лекин иноқ бўлинглар, бир бурда нонни бўлишиб енглар деб қуруқ насиҳат қилмасдан, ҳаққуш тўғрисидаги армонли афсонани сўзлаб беради. Асарда офтоб тўғрисидаги эртак ҳам бор. Бу эртак ҳам теран ният билан айтилади. Офтоб ҳар куни осмонга чиқишдан олдин Худога нола қиларкан. Мен ер юзини кўришни хоҳламайман, ер юзида ёмон нарсалар бор, ёмон одамлар бор, деркан. Тангри эса сен осмонга чиқавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалайдиган яхши одамлар бор, деб уни юпатар экан. Шунинг учун ер юзидаги ифлос нарсаларни тозалаш савоб иш, деб айтилган гап тагида фарзандларни одамгарчиликка, ҳалолликка даъват этиш бор. Лекин она бу гапларни ҳам насиҳат тарзида эмас, боланинг онгига, шуурига сингиб кетадиган қилиб эртак тарзида айтиб беради. Шу тариқа китобхон кўз ўнгида содда ва донишманд ўзбек аёли пайдо бўлади. Бунга ўхшаш холатлар «Тушда кечган умрлар» романидаги Қурбоной хола афсоналарида ҳам учрайди. Ҳаждан қайтаётган карвон тўғрисидаги ривоятни эсланг. Карвонга уч карра Ҳажга борган мўътабар одам сарбонлик қилади. Сафар чоғи карвондаги ҳамма одамларга ёрдам беради. Карвон шаҳарга яқинлаб қолганда бир дарахт тагида тўхтаб дам олишади. Шунда дафъатан шаҳар томондан бўза ичган бир бадмаст йигит от чоптириб келиб сарбоннинг юзига тарсаки қўйиб юборади. Одамлар ғазабга миниб бу қандай гап, шундай улуғ одамни бу аблаҳ нега уради, деб жунбушга келади. Сарбон эса «тегманглар, бу менинг ўғлим бўлади», дейди. Шунда одамлар баттар ғазабга келади. Бу қандай оқпадарлик, нима учун бу йигит ўз отасини шунчалик ҳақорат қилади, деб жазоламоқчи бўлишганида, ота уларни яна бу йўлдан қайтаради. Унга тегманглар, болада гуноҳ йўқ, бир вақтлар қулоғимга чалинган эди, қачонлардир менинг отам, ўз отасининг, яъни менинг бобомнинг юзига тарсаки урган экан. Ўшанинг жабри бугун менга қайтиб келди, дейди. Бир қарашда бу оддий, ҳатто жўн гаплек кўриниши мумкин. Лекин афсона тагида чуқур ҳақиқат бор. Қурбоной хола айтмоқчики, дунё бир бус-бутун тушунча, унда ҳаммасининг саволжавоби бор, бу — қайтар дунё. Бу фикрни бошқа қаҳрамон эмас, Қурбоной хола айтганида ҳам маъно бор. Қурбоной ўзига шунча азоб берган, отасининг қамалишига, онасининг ўзини осиб ўлдиришига сабабчи бўлган комиссарга ҳам ёмонлик қилмайди. Аслида у комиссарни уриб ўлдирса ҳам ҳақли. Аммо Қурбоной хола ундай қилмайди. У яхши биладики, бу дунёда ҳар кимнинг гуноҳсавоби ўзи билан. Асарнинг бир ерида комиссар Қурбоной холадан, «сен мени ҳар куни қарғасанг керак-а», деб сўрайди. Шунда Қурбоной «нега мен сизни қарғашим керак, Худо ҳаммасини кўриб турибдику», дейди. Бу шунчаки мутаассиблик эмас. Бир қарашда саводсиз, оддий фаррош Қурбоной комиссарга нисбатан минг карра тоза, минг карра улуғ инсон. Юқорида эслатилган афсона Қурбонойнинг оламини, психологиясини очишга, қолаверса, асарнинг умум фалсафасини тўлдиришга хизмат қилади. Бунақа ҳолатлар бошқа роман, қисса ва ҳикояларда ҳам учрайди.

— Ўткир ака, бир қарагандa бугунги кундаги ижодингиз ва илк ижодингиз ўртасида деярли фарқ йўқдек. Кўп йиллар аввал чиққан китобларингиз бугун ҳам ҳаяжон билан ўқилади. Сизда лирик оҳангдорлик билан реалистик тасвир услуби уйғунлашиб кетади. Ижодкор сифатида ўзингизга хос услубий янгиланишлар, ўсишлар нималарда деб ўйлайсиз?

— Ҳар қандай асар яратилишидан илгари унинг ички оҳанги, ритмикаси пайдо бўлади. Ва мана шу ритмика, мусиқа муттасил жаранглаб турсагина асар чиндан ҳам санъат асари бўлади, деб ўйлайман. Табиийки, бу куй гоҳ майин, гоҳ шиддатли, гоҳ фожиали оҳанг касб этиши мумкин. Аммо бадиий асарда албатта ўқувчини ларзага соладиган оҳанрабо бўлиши керак. Албатта, ижоднинг ўзи янгилик дегани. Қаламкаш муттасил изланиши, услубда янги йўллар ахтариши табиий. Масалан, илк асар «Чўл ҳавоси» қиссаси билан «Икки эшик ораси» ёки дастлабки ҳикоялар билан «Тушда кечган умрлар» романлари услуби ўртасида тафовут оз эмас. Биринчи қиссада кўпроқ лирик оҳанглар устуворлик қилган бўлса. кейинги асарларда анча совуққон, реалистик, ҳатто ўта реалистик тасвирлар ҳам бор. «Чўл ҳавоси»нинг қаҳрамони кўпроқ осмонга тикилиб, юлдузларни томоша қилишни яхши кўрса, «Тушда кечган умрлар» романида китобхоннинг этини сескантириб юборадиган манзара бор. Минага учраб портлаб кетган аскар йигитнинг қўли узилиб, бармоқлари ўргимчакка ўхшаб ғимиллайди. Бир қарашда бу жуда аёвсиз, қонли тасвир, лекин уруш фожиасини кўрсатиш учун худди шунақа тасвир керак эди. Негаки, урушнинг ўзи ифлос нарса. Кўп ҳолларда асар услубини ўқувчи хатлари, Шаҳнозанинг муҳаббатга тўлиқ хатлари каби гул ҳидига ўхшаган манзаралар бор. Бу ҳам менимча, асло атайлаб қилинган эмас. Ҳаётда қувонч билан ташвиш, муҳаббат билан нафрат, яхшилик билан разиллик доим ёнма-ён юради.

Услубий изланишлар, услубий ўзгаришлар масаласи ёзувчи лабораторияси билан боғлиқ нарса. 1963 йили «Чўл ҳавоси» эълон қилинганида устоз Абдулла Қаҳҳордан хат олган эдим. Ўшанда Қаҳҳор домла менга оқ йўл тилаш билан бирга эътироз ҳам билдирганлар. Асарнинг биринчи шахс тилидан ёки хат шаклида ҳикоя қилиниши кўпинча ёзувчини чеклаб қўяди, деган эдилар. Ҳақиқатан «Чўл ҳавоси» хат шаклида тузилган. Шунга қарамай, биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиш ёзувчини чегаралаб қўйиши шарт эмаслигини «Икки эшик ораси» романидан билиш мумкин. Роман бошдан охиригача биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинган. Лекин битта шахс тилидан эмас, ўндан ортиқ қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинган. Дунё адабиётида бунақа мисоллар бор. Аммо ўндан ортиқ қаҳрамоннинг ҳаётининг турли паллаларида туриб айтган ҳикояларини яхлит бир асар ҳолатига келтириш жуда мураккаб жараён. Сабаб, бу қаҳрамонларнинг қисмати, характери, дунёқараши ҳар хил. Демак, уларнинг гапириш оҳанги ҳам ҳар хил бўлиши керак. Масалан, Парчанинг гапириш оҳанги Робияникидан, Робиянинг оҳанги Раъноникидан, Раъноники Қора амманикидан фарқ қилиши керак. Бундан ташқари, бу асарнинг нозик томони шуки, унинг битта боби 50-йиллар ҳақида бўлса, кейинги боби 36-йилга бориб қолади. Ундан кейинги боб 60-йиллар тасвири билан бошланади. Бундай мураккаб композицияни ўқувчи тушунишга қийналса керак, деб ўйлаган эдим. Яхшиямки, китобхон романни яхши тушунди ва яхши қабул қилди. Бундан ташқари, яна бир ҳолатга эътибор беринг. Романда асарнинг бош қаҳрамони Музаффарнинг беш яшарлик чоғидаги ҳикояси бор, бешинчи синф ўқувчиси Музаффар ҳикояси бор, 10-синф ўқувчиси Музаффар ҳикояси, студент Музаффар ҳикояси бор... Беш яшар Музаффарнинг тафаккури ва гапириш оҳангида фарқ бўлиши табиий, гарчанд у битта қаҳрамон бўлса ҳам. Бу жуда ғалати ҳолат. Шу жиҳатдан «Икки эшик ораси» романининг композицияси жуда мураккаб. Умуман йирик полотнолар қурилмасини кўпқаватли қасрга қиёсласа бўлади. Унинг ертўласи ва айвони ҳам, меҳмонхонаси ва ётоғи ҳам, балкони ҳам бор. «Тушда кечган умрлар» романининг услуби ҳам ўзига хос. Ҳикоя муаллиф тилидан ҳам, биринчи шахс тилидан ҳам олиб борилади. Рустамнинг кундаликлари ҳам, унинг отасининг хати ҳам бор. Терговдаги савол-жавоблар эса фақат диалогдан иборат. Бундай изланишларни ижодкор албатта бошидан кечириши керак. Баъзан нима учун асарларингизда фожиа билан юмор ёнма ён юради, деган саволлар бўлади. «Икки эшик ораси»дек жиддий асарда Парча нима қилиб юрибди? Думбул тентак, бу хотиннинг романга нима даҳли бор? Жуда ҳам даҳли бор! Биринчидан, фожиали асарга юмор жиндай эркин нафас олиб кирса, иккинчидан Парча образи ташийдиган ўзига хос юк бор. Парча ҳамма жойда ўзи билмаган ҳолда рост гапириб қўяди, Умар закунчига ўхшаганларнинг ифлослигини ўзи билмаган ҳолда фош этади...

— «Икки эшик ораси», «Дунёнинг ишлари» асарларидаги қаҳрамонларнинг қай бири тўқима образ, қай бири ҳаётий шахсларнинг прототиплари?

— Ҳар иккала асарда ҳам ўзим кўрган инсонлар, ўзим гувоҳ бўлган воқеалар учрайди. Масалан, «Икки эшик ораси»даги Ҳусан Дума, Комил табиб, Умар закунчи, Оқсоқол, Парча сингарилар, кўплари менга таниш одамлар. Ҳусан Дума «ўғлинг хоин бўлди, деб хат келди» деган кўйи кўчада йиғлаб юргани гўдак хотирамда сақланиб қолган. Комил табиб, бу зиёлиларнинг йиғма образи. Лекин Кал Комил табиб деган жуда машҳур одам бўлган Тошкентда. Жуда яхши табиб бўлган. Парчага ўхшаган аёллар ҳамма қишлоқларда бўлган. Урушдан кейинги йиллари тўйнинг олдига тушиб ўйнаб кетадиган, тўрт-беш коса овқат ейдиган, беғубор, лекин думбулроқ хотинлар тоифасидан бири Парчанинг ўзи. Умар закунчи ва Далавой налогчи маълум маънода бир бирини тўлдирадиган образлардир. Дўмбрободда Умар закунчи деган одам бўлган, жуда яхши одам бўлган. Романдаги персонаж исми ўша одамдан олинган холос. Биласиз, асардаги Умар закунчи разил одам. Лекин нима учун айнан «закунчи» деган саволни ўйлаб кўрайлик. «Умар олифта» бўлиши мумкин эди, «Умар золим» бўлиши мумкин эди, «Умар мўйлов» бўлиши мумкин эди, нима учун Умар закунчи? Гап шундаки, шўро замонининг ўзи одамларни Закон деб қўрқитган, яъни тузумнинг ўзи мустабид бўлган. Асардаги таг маъно шу. «Дунёнинг ишлари»даги Она, Той образи, амма, Далавой налугчи, Шайх ва шунга ўхшаганларни ҳаётда ўзим кўрганман. Масалан, Шайхга ўхшаганлар ҳозирги кунда ҳам кўп маҳаллаларда учрайди. Тўйларда чой қўйиб юрадиган, сал тентакроқ Далавой налогчи ҳақиқатдан ҳам бўлган, фақат исми бошқача бўлган. Балки у ўзига юкланган вазифани бажарган бўлиши ҳам мумкин. Лекин урушдан зўрға чиққан, оч-яланғоч оилаларга келиб, молиниими, самовориними олиб кетиш бағритошлик, золимлик эди. Ўзимиздаги налогчи бир кампирнинг охирги кигизини олиб кетаётганида кампир кигиз устига ётиб олса, кампирни кигизга ўраб қўлтиқлаб чиқиб кетганини ҳамон эслаб юришади. Асардаги Той ҳозир ҳам маҳалламизда туради, лекин исми бошқача. Табиийки, тўқима, йиғма образлар ҳамма асарларда бўлганидек, «Икки эшик ораси» ва «Дунёнинг ишлари»да ҳам анчагина. «Икки эшик ораси»даги Кимсан, Раъно, Музаффар, «Дунёнинг ишлари»даги талай бошқа образларга йиғма образлар деб қарамоқ керак. Энг муҳими, ўқувчи асарни ўқиганда ўша қаҳрамонга ишонса, унга қўшилиб ҳаяжонланса, йиғласа, кулса, у тўқима образми, ҳаётда прототипи борми аҳамияти йўқ. Демак, у тирик одамга айланибди. Аслида ижодда энг қийин нарса — образни одамга айлантириш!

■ **Мадинахон ИМОМКАРИМОВА суҳбатлашди**

ЯНГИЛАНИШДАН БУЮК ЎЗГАРИШ САРИ

Мустақил диёрда янгиланиш, яшариш одатий холга айланиб қолди. Зеро, озодликнинг ўзи янгиланиш, ҳурлик йўлини тутиш демакдир. Бу барча жабҳада сезилаяпти, эркинликнинг мазмун-моҳиятини инсонлар шуурига сингдириш учун эса китоблар асосий роль ўйнайди.



Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишга, аждодларимизнинг ўлмас меросини ёшлар орасида кенг ўргатишга жалб қилиш учун янги китобларни босмадан чиқарди. Мамлакатимизнинг ўзига хос бўлган тараққиёт йўли, жаҳон майдонидаги эътирофи, шунингдек Ўзбекистон мустақиллигининг ижтимоий ва сиёсий зарурияти, назарий асослари, сиёсий-фалсафий мазмун-моҳиятини очиб берувчи «Янгиланишдан—буюк ўзгариш сари» номли китоби Муртазо Қаршибой қаламига мансуб.

Китоб шу жиҳати билан эътиборлики, муаллиф баён қилган мустақиллик ўзгаришлари, ўйлари содда, равон тилда битилган ва инсонни баҳс-мунозарага чорлайди. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган мамлакатда қандай ўзгаришлар содир бўлди ва у нимага ёки кимга таянди? Бу каби саволларга бирмунча бўлсада ушбу китобдан жавоб топиш мумкин.

Ўтмиши буюк халқнинг келажаги ҳам буюк. Миллий ўзликни англаш, аждодлар қолдириб кетган бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш, уларнинг илмларини ҳаётимизга кенгроқ олиб кириш ёшларнинг асосий вазифасидир. К. Норматов, С. Маҳкамов, А. Мансуровларнинг «Меросдан фойдаланиш тажрибасидан» номли рисоласи ана шу улкан меросни мактаб ўқувчиларига таништиришда катта роль ўйнайди. Унда ислом ҳуқуқшунослиги ва фалсафаси илмининг етук намояндалари бўлган буюк аждодларимиз Бурҳониддин ал-Марғиноний ва Абу Мансур ал-Мотуридийларнинг меросидан ҳуқуқ ва динлар тарихи дарслари жараёнида фойдаланиш масалаларига бағишланган.

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

КОМАНДАНИ ЮТИШ АМРИМАҲОЛ

«Ливерпул» жамоаси Гарри Макаллистернинг пенальтида келтирган ғалабасини нишонламоқдалар. 12 августда Англия биринчилиги учун ўтказилган ўйинда «Ливерпул» «Манчестер Юнайтед»ни 2-1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу ўйинда асосан Макаллистер ва Майкл Овенлар ўз клублари шарафини муносиб ҳимоя қила олдилар ва ўйинда яхши натижага эришдилар. Кўпгина кузатувчилар «Ливерпул» ўйинини юқори баҳолаб, уларда маълум тизими йўқ, лекин жамоанинг ҳар бир ўйинчиси керак пайтда ўз услубини ўзгартириб, янги йўналишга чиқа олади. Бундай командани ютиш эса амримаҳол эканлигини эътироф этмоқдалар.

79 ЙИЛДАН СЎНГ

Буюк Британия ва Ирландия 79 йилдан сўнг ишқибоз голфчилар ўртасида ўтказиладиган «Волкер» кубоги турнирини ташкиллаштирди. Энг охирги марта бу турнир 1922 йилда

ўтказилган эди. Бу галги турнир икки йўналишда ўтказилиб, Люк Доналд ва Ник Дофертийлар дастлабки кубокни қўлга киритдилар. Шу нарса қизиқки, бу икки ғолиб ҳам айнан британияликлар. Бошқа давлатлардан келган қатнашчилар юқори ўрин ололмадилар. Бундан икки йил олдин Шотландияда ўтказилган «Найрн Голф» клуби турнирида ҳам британияликлар 12 та ўйиндан 10 тасида ғолиб бўлган эдилар.

INTER - SPORT

ЯКУНЛАБ ҚОЛДИ

Эдмонтонда бўлиб ўтаётган жаҳон атлеткачилар чемпионати ҳам якунланиб қолди. 800 метрлик югуриш мусобақасида австриялик Стефан Графнинг олтин медалга бўлган орзусини йўққа чи-

қариб мозамбиклик Мария Мутола Сидней олимпиадасидагидек ғалабани қўлга киритди. Аёллар ўртасида 5000 метрга югуриш мусобақасида Ольга Зегарова олтин медалга муносиб эканлигини исботлади.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

«ДУНЁДА ҲЕЧ НАРСА ИНСОННИ БОЙЛИК СИНГАРИ ТЕЗ БУЗА ОЛМАГАН».
Эндрю КАРНЕГИ

ЙЎЛЛАР, БУ ОЛИС ЙЎЛЛАР...

«Ўзавтотранс» агентлиги томонидан Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Аргиллит» М.Ч.Жга тегишли «КамАЗ» 5320 русумли, давлат белгиси 19 АА 453 автоуловига берилган А.Т.№ 0188458 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ТАШКЕНТСКИЙ ГОРОДСКОЙ МУНИЦИПАЛЬНЫЙ БИРЖЕВОЙ ЦЕНТР

ПРОВОДИТ 14, 28 СЕНТЯБРЯ, 12,16 ОКТЯБРЯ 2001 ГОДА В 10-00 ЧАСОВ АУКЦИОННЫЕ ТОРГИ
НА ТОРГИ ВЫСТАВЛЯЮТСЯ:

1. Незавершенное строительство здания жилого дома общей пл 2250,56 кв.м., числящегося на балансе ОАО «КМП-623», расположенного в г. Ташкенте, ул Мунис, стартовая цена 43 684 592 сума.

2. Здания, числящиеся на балансе ОАО «КМП-351»:
— санитарно-бытовой корпус, находящийся в г. Ташкенте, ул Фаргона йўли, 11, стартовая цена 84 460 225 сумов;
— здание-общежитие, находящееся в г. Ташкенте, поселок Бинокор, стартовая цена 4 223 125 сумов.

3. Имущество подсобного хозяйства АО «Мехмост» (основные фонды и поголовье скота), находяшееся в Ташкентской области, Зангиатинский район, сельсовет Назарбек, стартовая цена 60 082 344 сума.

4. Имущество ОАО «ТашОР» в счет погашения долгов СП «Узалтайдизельсервис», расположенного в Хамзинском районе, ул. Каримова 5:
бетономешалка, стартовая цена 250000 сумов;
пресс гидравлический, 10 тн — 47 шт., стартовая цена каждого 65148 сумов;
зернодробилка — 15 шт, стартовая цена каждой 61458 сумов;
поддон для двигателя «Нексии» — 165 шт стартовая цена каждого 5844 сума;
установка для сгущенного молока, стартовая цена 49637 сумов;
установка для изготовления кирпичей, стартовая цена 900000 сумов;
домкраты механические — 263 шт, стартовая цена каждого 4128 сумов;
электрошит — 10 шт, стартовая цена каждого 440671 сум;
шкаф Я.У., стартовая цена 50000 сумов;
шит з/к — 10 шт, стартовая цена каждого 50000 сумов;
двигатель А01-м — 6 шт, стартовая цена каждого 781753 сума.

5. База ДХО «СУ-69» АООТ «Тошчетэлкурилиш» — административное здание со складскими помещениями, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Темур-Малика, 2а, стартовая цена 50 млн. сумов.

6. Административное здание АООТ «Тошчетэлкурилиш», расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Хуршида, 112, стартовая цена 140 млн. сумов.

Наш адрес: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Мовароуннахр, дом 16а. Телефоны для справок: 133-20-74, 133-46-13